



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный университет, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозғистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозғистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти

Толипов Файзулла Саидович
*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Рафикжон Атаханов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
2.Фахриддин Абдулбоқиев ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
3.Илхомжон Гуламов XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
4.Дилшод Комолов ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
5.Фазилат Нурметова ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
6.Рислиғой Расулова ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
7.Нилуфар Рахматова ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
8.Дилшода Рўзиева ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
9.Шавкатжон Тўланбоев ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
11.Солижон Қудратов ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
12.Шахноза Холикулова ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Фахриддин Авазбек ўғли Абдулбоқиев,

Таянч докторант,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР

For citation: Fakhriddin Avazbekovich Abdulboqiyev, EMPLOYMENT AND PROBLEMS OF THE POPULATION OF THE FERGANA VALLEY. Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.10-17



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Фарғона водийсидаги демографик жараёнлар, аҳолининг иш билан банлиги ва уларнинг фаолиятига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлил қилинган. Минтақавий жиҳатдан вазият ўрганилган. Бозор механизмларини такомиллаштириш, янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ илмий хулоса ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: демографик жараён, демографик ривожланиш, аҳоли зичлиги, аҳоли бандлиги, меҳнатга лаёқатли, меҳнат бозори, меҳнат ресурси

Фахриддин Авазбекович Абдулбақиев,

Докторант, Национальный университет

Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ЗАНЯТОСТЬ И ПРОБЛЕМЫ НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются демографические процессы в Ферганской долине, занятость и социально-экономические факторы, влияющие на их деятельность. Анализируются данные региональные масштабе, приводятся научные выводы и практические рекомендации по совершенствованию рыночных механизмов, созданию новых рабочих мест.

Ключевые слова: демографический процесс, демографическое развитие, плотность населения, занятость, трудоспособный возраст, рынок труда, трудовые ресурсы.

Fakhriddin Avazbekovich Abdulboqiyev,

Doctoral Student, Named after MirzoUlugbek

National University of Uzbekistan

EMPLOYMENT AND PROBLEMS OF THE POPULATION OF THE FERGANA VALLEY

ABSTRACT

The article analyzes the demographic processes in the Fergana Valley, employment and socio-economic factors affecting their activities, analyzes regional data, provides scientific conclusions and practical recommendations on improving market mechanisms, creating new jobs.

Index Terms: demographic process, demographic development, population density, employment, working age, labor market, labor force

1. Долзарблиги:

Айни пайтда республикамиз минтақаларининг иқтисодий ривожланиш даражалари бўйича сезиларли равишда фарқланиши, табиий иқлим шароитлари бир хил эмаслиги, тарихий жараёнлар, демографик вазият, миллий меҳнат тақсимооти ва ихтисослашувдаги иштироки туфайли ҳар бир минтақада ўзига хос иш билан бандлик масаласи шаклланди ва муаммолар келиб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий ривожланиш соҳасида – аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилди.

Бир неча йиллардан буён аҳолини қийнаб келаётган ишсизлик муаммоси ва янги ташкил этилаётган иш ўринлари бўйича танқидий фикрлар билдирилди хусусан: “Янги ташкил этилган барқарор иш ўринлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги меҳнат бозорида мувозанатлиликнинг бузилишига, республикамизнинг айрим минтақаларида ишсизлик даражасининг ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келмоқда”[1]. Фарғона водийсида аҳолининг меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши, бир томондан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига хос тарихий, демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири остида юз берса, иккинчи томондан минтақанинг ўзига хос хусусиятлари бу жараёнга таъсир этади. Шу жиҳатдан Фарғона водийсида аҳолининг иш билан бандлик масалаларининг ўзига хос хусусиятларини вужудга келиши сабаблари ва характери бўйича тизимлаштирилган ҳолда ўрганиб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

2. Тадқиқот усуллари:

Мазкур ишда аҳолининг иш билан бандлик масаласини тавсифловчи бир қанча иқтисодий ва минтақавий тадқиқот усулларида фойдаланилди. Жумладан, тарихийлик, мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари, ҳудудий таҳлил, тизимли ёндашув, иқтисодий-математик иқтисодий-статистик таҳлиллар, таққослаш ва мувофиқлаштириш каби тадқиқот усуллари алоҳида ўрин тутди. Бундай усуллар Фарғона водийси минтақаларида ўрганилаётган ҳодиса вазараёнларни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилиш ваҳулоса чиқариш имконини берди. Бундан ташқари, минтақавий тараққиётни башоратлашнинг методологияси сифатида мустақилликка эришилгандан то бугунги кунгача бўлган даврни қамраб олувчи меҳнат тақсимооти ва уни ривожланишининг ретроспектив таҳлили олибборилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Аҳолининг табиий ҳаракатланиши, унинг такрор яратилиши кўпгина ҳолатлар билан мамлакатнинг индустриал тараққиёти, урбанизация даражаси, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, маданият, маиший турмуш анъаналари ва миллий-тарихий омиллар билан белгиланади. Улар аҳолининг туғилиш даражаси ва ўртача умр кўриш ёшига турлича таъсир кўрсатади, бу эса мамлакатдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли миқдоридаги ўзгаришларни вужудга келтиради.

Аҳоли орасидаги демографик вазият уларнинг иш билан бандлиги, ишсизлик муаммолари ва уларни бартараф этиш бўйича бугунги кунгача турли хил назариялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, А. Смитнинг[2] ишчи кучига талаб ва унинг таклифи мутаносиблигини таъминлай олишга қодир бўлган “бозорнинг илганмас қўли”, А.Маршаллнинг[3] аҳолининг иш билан бандлигини ишчи кучи талаби ва таклифини тартибга солиш йўли билан бозор иқтисодиётининг инкирозсиз ривожланиши назарияларини ёдга олиш мумкин.

Меҳнат бозори ва иш билан бандлик назариясининг мақсади мазкур соҳаларда рўй бераётган воқеа ва жараёнларни илмий ҳолда ифода этишдир. Бу назария амалий аҳамиятга эга: у мазкур соҳаларга оид билимларни интеграциялаштирар ва умумлаштирар экан, уларни тарихий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва инсон ҳаёти фаолиятининг бошқа жабҳаларида реал тарзда намоён бўлишига хизмат қилади.

Меҳнат бозори ва иш билан бандлик назариясида умумий, алоҳида ва хусусий қонуниятлар ҳам мавжуд бўлиб, улар меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг иш ҳақи миқдорига боғлиқлиги, ишсизлик ва иқтисодиётдаги меҳнат унумдорлигининг ўзаро боғлиқлиги (“Оукен қонуни”), иш билан бандлик таркибининг хўжалик юритиш шаклига боғлиқ равишда ўзгариши, илмий-техникавий ва технологик тараққиёт натижасида таркибий ишсизликнинг пайдо бўлиши каби жараёнларда ўз ифодасини топади. Бугунги кун нуқтаи назаридан меҳнат бозори, уни тартибга солиш механизмлари, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мутаносиблиги, ишчи кучи (меҳнат) баҳоси даражаси муаммолари тадқиқ қилинар экан, бу масалаларга асосан иш берувчилар ва ёлланма ходимлар ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан ёндошилишини кузатиш мумкин. Масалан, Р.Ж. Эренберг ва Р. Смит фикрига кўра: “Меҳнат бозори фақат меҳнатни харид қиладиган ва сотадиганлардан иборатдир”[4]. Россиялик иқтисодчи олим А. Котляр ҳам ходимни ёллаш ҳақидаги контракт ишчи кучи олди-соттисининг бозор келишувини расмийлаштиради, ёллаш шартларига бундан кейин киритиладиган аниқликлар сотилган ва амал этаётган иш кучига тааллуқли бўлиб, бозорга хос бўлмаган хусусиятларга эга деб ҳисоблайди[5]. Лекин, меҳнат бозорига кенг маънода: “меҳнатни ҳосил қилиш, айрибошлаш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, ижтимоий нормалар ва институтлар тизими” сифатида қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, Н.А. Волгин, Ю.Г. Одегов[6] ва айрим бошқа иқтисодчи олимлар меҳнат бозори соҳасига фақат меҳнатни айрибошлашни (меҳнат олди-соттисини) эмас, шунингдек меҳнат салоҳиятини ҳосил қилиш (таълим ва касбий тайёргарлик), шунингдек меҳнатдан фойдаланиш (ишлаб чиқаришда персонални бошқариш) жабҳаларини киритиш лозимлигини кўрсатмоқдалар.

“Меҳнат бозори деганда ишчи кучи тақрор юзага келишининг барча босқичларида: унинг етиштирилиши (тарихий дараёнлар, ижтимоий-демографик жиҳат, янги ишчи кучи пайдо бўлиши), айрибошланиши (сотиб олиш-сотиш ҳаракати амалга оширилиши), тақсимланиши (ишчи кучининг ижтимоий, касбий ва ҳудудий кўчиши орқали тақсимланиши) ва меҳнат соҳасида фойдаланилиши босқичларида ходим билан иш берувчи ўртасида кечадиган ижтимоий муносабатлар тизими тушунилиши керак”[7].

Бугунги кунда коронавирус пандемияси дунёда миллионлаб одамларнинг ишсиз қолишига сабабчи бўлмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, **иш соатларининг қисқариши оқибатида** жаҳоннинг турли мамлакатларида норасмий иқтисодда фаолият юритадиган 1,6 млрд ишчи даромадсиз қолиш хавф остида қолаётганини кўришимиз мумкин. Таъкидланишича, 2020 йилнинг иккинчи чораги меҳнат бозори учун кутилганидан кўра аянчлироқ келиши, ушбу даврда 300 млндан ортиқ иш ўрни йўқотилиши мумкин. 2020 йилнинг иккинчи чорагида барча минтақаларда иш соатларининг кескин қисқариши кутилмоқда. Европа ва Марказий Осиёда биринчи чоракда иш соатлари 3 фоизга, иккинчи чоракда эса деярли 13 фоизга қисқариши мумкин[8].

Коронавирус оқибатида АҚШда ишсизлар сони **40 млн кишига** кишига етган. Бу кўрсаткичлар «Буюк тушкунлик» даврига қараганда анча юқори. Хитойда ушбу кўрсаткич **10 фоизга** (70 млн киши) яқин эканлигини тахмин қилишмоқда. Россия Федерациясида 800 мингдан ортиқ киши ишсиз бўлиб қолган, умумий ишсизлар сони 4,3 млн кишига етган. Меҳнат вазирлиги таҳлилларига кўра, пандемия тугашига қадар мамлакатдаги ишсизлар сони 6 млн кишига етиши мумкин. Карантин давомида Британияда ишсизлик даражаси 9

фоизга яқинлашиши мумкин. Ҳозирда бу кўрсаткич 4% атрофида. Пандемия оқибатида Ҳиндистонда 120 млндан ортиқ киши ишсиз қолган. Улардан кўпи кичик савдогарлар ва кунлик меҳнат қиладиган ишчилардир. Японияда ишсизлик кўрсаткичлари кўплаб мамлакатларга нисбатан секин ошмоқда, умумий ишсизлар сони 1,76 млн атрофида. 2019 йил шу вақтдагига нисбатан ишсизлар сони **20 минг нафарга** кўпайган. Қозоғистонда пандемия оқибатида расмий рўйхатга олинган ишсизлар сони **50 минг нафарга ортиб**, умумий 170 минг кишини ташкил этмоқда[9]. Жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзоси бўлган Ўзбекистондаги вазият биринчи галда республика фуқароларини қолаверса бошқа хорижий давлатларини ҳам бефарқ қолдирмайди. Ўзбекистон ишчи кучи ва ресурсларига бой мамлакат. Ушбу салоҳият ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинмоқда[10]. Маълумки, мамлакатимизда аҳолининг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги конституциявий асослаб қўйилган. Айниқса, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни[11] меҳнат муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ишга жойлашишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида[12] ҳам ўз аксини топган. Пандемия сабаб Ўзбекистонда 2020 йилнинг биринчи чорагида ишсизлик даражаси 9,4 фоизни ташкил қилди. 2020 йилнинг январь-март ойларида энг юқори ишсизлик даражаси 9,8 фоиз билан Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида, 9,7 фоиз билан Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қайд этилган. Ишсизлик бўйича энг паст кўрсаткич эса Тошкент шаҳрида (7,8 фоиз) аниқланган. Маълумот учун, Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 2019 йилнинг I чорагида ҳам 9,4 фоизни ташкил этган эди. Мамлакатда аҳолини қўллаб-қувватлаш учун турли хил чоралар эълон қилинди. Ўзини ўзи банд қилган 60 дан зиёд касб эгалари даромад солиғидан озод қилинди. Карантин даврида 120 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларга нафақалар тайинланди, уларнинг сони ҳозирда 600 минг кишини ташкил этмоқда[13].

Бундан ташқари, Президентимиз ёшларнинг маънавий тарбияси, уларнинг билим, касб маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Чунки, мустақиллигимизнинг уч таянчи – мустақил сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир – бири билан чамбарчас боғлиқдир[14]. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик асосий вазифалардан бирига айлангани билан ифодаланади.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатида Фарғона водийси вилоятларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мустақилликнинг даслабки йилларида республикада, шу жумладан Фарғона водийсида ишсизликнинг келиб чиқиши сабабларига кўра қуйидаги туркумларга тақсимлаш мумкин:

- ишлаб чиқаришнинг қисқариши, корхоналарнинг ёпилиши ёки мутахассисларнинг ўзгариши натижасида иш жойларини йўқотган шахслар;
- ўз ихтиёри билан ишдан бўшаб, муайян вақт давомида ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда янги иш жойини тополмаган шахслар;
- ишчи кучи бозорига биринчи бор кириб келаётган шахслар, ёшлар, ўқув муассасаларини битирганлар, ишламаган аёллар ва бошқалар;
- узоқ муддатли танафусдан сўнг ишчи кучи бозорига қайтиб келган шахслар (асосан бир неча йил бола тарбияси билан машғул бўлган аёллар, озодликдан маҳрум этилган маҳбусларнинг қамоқ муддатини ўтаб озодликка чиққан қисми)[15]. Фарғона водийсида аҳолининг иш билан таъминланганлиги даражаси таъсир кўрсатиш омилларига кўра ўзига хослиги билан бошқа минтақалардан фарқланади.

Ушбу хусусият аҳолининг ўсиш даражасининг барқарорлиги, унинг таркибида ёш авлод салмоғининг нисбатан кўплиги, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг нисбатан зич жойлашгани, ер-ресурсларини чекланганлиги, ўзлаштириладиган ерларнинг деярли қолмаганлиги[16], sanoat тармоқларини аҳолини иш билан бандлик даражасида иштирокининг нисбатан олдинги ўриндалиги кабиларда намоён бўлади.

Фарғона водийси аҳолисининг жойлашишида суғорма деҳқончилик асосий ўрин тутган. Шунинг учун аҳолининг такрор барпо бўлиши ва бандлиги озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни мукамал ўрганишга асос бўлади. Минтақа иқтисодиётининг мужассамлашган кўрсаткичи ҳам аҳоли сонидан келиб чиқади.

Фарғона водийсининг демографик ривожланиши бир қатор хусусиятлар билан ажралиб туради. Энг аввало, бу ерда аҳоли сонининг ўсиш суръати юқори, лекин ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқ ҳолда вилоятларда бир мунча фарқ кузатилади. Жумладан, Андижон ва Наманган вилоятларига нисбатан Фарғона вилоятида аҳоли сони ва унинг ўсиш суръати юқори кўрсаткичга эга. 1990-2000 йилларда аҳоли сони Андижонда 472,5 минг, Наманганда 401,4 минг ва Фарғонада 482,9 минг кишига, 2010-2018 йилларда мос равишда 394,4 минг, 373,2 минг ва 453,9 минг кишига ўсди ёки ҳар 10 йилда Фарғона водийсида аҳоли ўртача 1,3-1,4 млн. кишига кўпаймоқда (3-жадвал)

(3-жадвал)

**Фарғона водийси аҳолиси сони ўсиши динамикаси
(минг киши)[17]**

Минтақа	1990 йил	2000 Йил	2010 йил	2018 Йил	Ўсиш суръати		
					2000 й.да 1990 й.га нисбатан	2010й.да 2000й.га нисбатан	2018й.да 2010й.га нисбатан
Андижон	1789,0	2216,5	2672,3	3066,7	427,5	455,8	394,4
Наманган	1551,8	1953,2	2379,5	2752,7	401,4	426,3	373,2
Фарғона	2214,6	2697,5	3229,2	3683,1	482,9	531,7	453,9
Умумий	5555,4	6867,2	8281,0	9502,5	1311,8	1413,8	1221,5

Шунингдек, демографик жараёнга мос равишда меҳнатга яроқли аҳоли ҳиссасининг доимий ортиб бориши кузатилади. Меҳнат ресурслари 1990 йилда 2738,5 минг киши, 2000 йилда 3431,8 минг киши, 2010 йилда 4736,0 минг киши ва 2018 йилда 5302,8 минг кишинини ташкил этди. Меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати 1990-2000 йилларда 693,3 минг киши, 2000-2010 йилларда энг юқори кўрсаткич – 1304,2 минг киши ва 2010-2018 йилларда 566,8 минг кишини ташкил этди (2-жадвал).

(2-жадвал)

Фарғона водийсида меҳнат ресурсларининг ўсиши динамикаси (минг киши)[18]

Минтақа	1990 йил	2000 Йил	2010 йил	2018 йил	Ўсиш суръати		
					2000 й.да 1990 й.га нисбатан	2010й.да 2000й.га нисбатан	2018й.да 2010й.га нисбатан
Андижон	897,5	1140,3	1561,2	1722,2	242,8	420,9	161,0
Наманган	746,3	961,0	1350,6	1549,5	214,7	389,6	198,9
Фарғона	1094,7	1330,5	1824,2	2031,1	235,8	493,7	206,9
Умумий	2738,5	3431,8	4736,0	5302,8	693,3	1304,2	566,8

Ушбу жараёнларни бир неча сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, 1960-70 йилларда бошланган саноат ва қишлоқ хўжалигидаги туб иқтисодий ислохотлар аҳоли кўпайиши учун муайян шарт-шароитларни яратди. 1970 йил бошларидан собиқ Иттифок миқёсида амалга оширилган ва туғилишни рағбатлантиришга қаратилган демографик сиёсат аҳоли сони ўсишига кучли туртки берди. 1980-1990 йилларда туғилиш ва аҳоли сонининг умумий ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. 1980 йилда ҳар 1000 кишига туғилганлар сони 33,7 кишини ташкил этган бўлса, 1990 йилда 34,6 кишидан иборат бўлди. Туғилганлар сони 1991 йилда 201,0 минг кишидан 2001 йилда 135,9 минг кишигача пасайиб борди. Аҳолининг табиий ўсиши 1991 йилда 166,3 минг кишини ташкил этган бўлса, 2001 йилда 101,7 минг кишига тушиб қолди. Бу жараён бир томондан 1991 йилда собиқ Иттифокнинг мустақил давлатларга бўлиниб кетиши ҳамда давлатлараро миграцион ҳаракатларнинг кучайиши, 1991-1996 йилларда депортация қилинган халқларнинг ўз ватанларига қайтиши, иккинчи

томондан ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, 1980-1990 йиллардаги туғилишнинг юқори кўрсаткичлари 2000-2010 йилларга ўз таъсирини кўрсатди ёки меҳнат ресурсларининг юқори кўрсаткичи кузатилди. 1990-2000 йиллардаги туғилганлар сонининг пасайиб бориши эса 2010-2018 йилдаги меҳнат ресурслари сонига чамбарчас боғлиқ.

1989 йилда аҳоли рўйхатига биноан умумий иш билан бандлик даражаси Фарғонада 88,1 %, Андижонда 80,0 %, Наманганда 75,9 %[19] бўлган. Минтақада меҳнатга лаёқатли аҳолини юқориликка сабаб, таъминловчи манба сифатида табиий ўсиш даражасининг доимо юқори бўлганидир. 2004 йилда меҳнатга лаёқатлиларнинг умумий сони 4012,2 минг кишига етган. Водий аҳолисининг 56,1 фоизи меҳнатга лаёқатли аҳолидан иборат бўлган (Андижон вилоятида 56,7 %, Наманган вилоятида 55,3 %, Фарғона вилоятида 56,2 %). 2019 йилда меҳнатга яроқли аҳоли кўрсаткичи Андижон вилоятида 59,4 %, Наманган вилоятида 59,9 %, Фарғона вилоятида 59,6% ташкил этди.

Иш билан банд аҳолини тармоқлар бўйича таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, водийда қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқлари бошқа тармоқларга нисбатан юқори мавқега эга бўлган. Айниқса, саноатдаги улуши бўйича Фарғона вилояти нафақат водий вилоятлари, балки республика бўйича (Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент вилоятларидан ташқари) нисбатан устунлиги намоён бўлган. Минтақалар бўйича солиштирганда саноат тармоқларида иш билан бандлик даражаси бўйича Фарғона водийси Тошкент ва Зарафшон минтақаларидан кейинги ўринда турган. Водийда тармоқлар бўйича аҳолини иш билан таъминлаш даражасида қишлоқ хўжалиги етакчи роль ўйнайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Андижон вилоятида аҳолини иш билан таъминланишида қишлоқ хўжалиги (Фарғона ва Наманган вилоятларига нисбатан) етакчи бўлса, Фарғона вилоятида саноат, транспорт ва алоқа тармоқлари нисбатан (Андижон ва Наманган вилоятларига нисбатан) юқори даражада бўлган. Наманган вилояти эса қурилиш, уй-жой, коммунал хўжалиги, ишлаб чиқариш, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, молия, кредит ва суғурта тармоқларида ишлаётган ҳодимларнинг салмоғи бўйича ҳар иккала вилоятдан нисбатан юқори салмоққа эга бўлган.

Меҳнат бозоридаги ҳолат ва аҳолини иш билан таъминланиш даражаси водий ҳудудларида турли кўринишда намоён бўлган. Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Шаҳрихон, Андижон, Асака, Избоскан туманларида аҳоли ва меҳнат ресурслари нисбатан юқори салоҳиятга эга бўлган. Хонобод, Асака шаҳарлари, Улуғнор, Бўз туманларида эса бунинг акси кузатилган.

Наманган вилоятида аҳоли ва меҳнат ресурслари нисбатан юқори бўлган ҳудудлар Наманган шаҳри, Чуст, Уйчи, Наманган туманлари ҳисобланади. Мингбулоқ туманида эса аҳоли ва меҳнат ресурслари бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичларга эга бўлган[20].

Фарғона вилоятида ҳам меҳнат ресурслари ҳудудлар бўйича нотекис жойлашган. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг зичлиги бўйича кейинги даражага эга бўлган. Меҳнат ресурсларининг вилоят меҳнат ресурсларидаги улуши бўйича Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари ва Қува тумани етакчи ҳудудлар ҳисобланган. Паст кўрсаткич Сўх туманида кузатилади.

Меҳнат бозоридаги вазият ўзгарувчан бўлиб, доимо мукамал ўрганиб, тартибга солишни тақазо этади. Чет эл тажрибаларини ўрганиб, ишчи кучидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини амалиётга тадбиқ этиб борилса юқори самара беради.

4. Хулосалар:

Юқорида кўтарилган илмий муаммонинг долзарблигини инобатга олиб, Фарғона водийси аҳолисининг иш билан бандлиги даражасидаги муаммоларни ҳал этишда куйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Ишсиз фуқароларни талаб кучли бўлган мутахассисликлар бўйича касб-хунарга йўналтириш ва қайта тайёрлаш;
- Ҳудудларда бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини кенгайтириш;

• Обод қишлоқ дастури доирасида қишлоқлар инфратузилмасини янада ривожлантириш;

• Маиший ҳизмат кўрсатиш объектларини кўпайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш;

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона водийсида аҳолини иш билан таъминлаш даражаси таъсир кўрсатиш омилларига кўра ўзига хослиги билан бошқа минтақалардан фарқланади. Ушбу хусусият аҳолини ўсиш даражасидаги, унинг таркибида ёш авлод салмоғини нисбатан кўплиги, аҳоли ва меҳнат ресурсларини нисбатан зич жойлашгани, ер-сув ресурсларининг чекланганлиги, ўзлаштириладиган ерларнинг қолмаганлиги, саноат тармоқларининг аҳолининг иш билан бандлиги даражаси нисбатан олдинги ўриндалиги билан намоён бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Тошкент шаҳри, 2017 йил 24 май <http://uza.uz/oz/documents/bandlik-so-asida-davlat-siyosatini-yanada-takomillashtirish--24-05-2017> (Decree of the Prezident of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev “On measures to further improve the state policy in the field of employment and radically increase the efficiency of labor bodies.” Tashkent, 24 may, 2017 <http://uza.uz/en/documents/independence-provision-of-the-politics-in-the-industry-24-05-2017>)

[2] Смит А. Исследование о природе и причинах богатство народов. –Москва, 1976. - 332 с. (Smith A. Exploration of the nature and origins of the richness of peoples. –Moscow: 1976.- 332 p.)

[3] Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах. – М.: Прогресс, 1993. (Marshall A. Principles of economic science. In 3 volumes. - М.: Progress, 1993).

[4] Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда: Теория и государственная политика. – Москва: МГУ, 1996. (Erenberg R.D., Smith R.S. Modern economics of labor: Theory and state policy. – Moscow: : Moscow State University, 1996).

[5] Kotlyar A.O. О понятии рынка труда. // Вопросы экономики, 1998. -№1. – С.34. (Kotlyar A.O. On the concept of the labor market. // Issues of Economics, 1998. -№1. – P. 34).

[6] Экономика труда (социально-трудовые отношения). // Под ред. Н.А.Волгина, Ю. Г. Одегова. – М.: Экзамен, 2008 (Labor economics (social and labor relations). // Ed. N.A.Volgina, Yu.G.Odegova. – Moscow:Exam, 2008).

[7]. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Тошкент: Меҳнат, 2009. - 105 б. (Abdurahmonov Q.X. Labor economics. – Tashkent:Mehnat, 2009. 105-p.)

[8]. International Labour Organization Monitor: COVID-19 and the world of work. Fourth edition Updated estimates and analysis https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/@dgreports/@dcomm/documents/briefingnote/wcms_745963.pdf

[9]. Дунёда ишсизлар сони ортмоқда. Улар қандай қўллаб-қувватланмоқда? 2020 йил 27 май «Газета.uz» таҳлилида <https://www.gazeta.uz/uz/2020/05/27/unemployment-world/> (The number of unemployed in the world is growing. How are they supported? In the analysis of “Gazeta.uz” on May 27, 2020 <https://www.gazeta.uz/en/2020/05/27/unemployment-world/>)

[10]. Ли Жи Юн. Корея ва Ўзбекистон – иқтисодий ҳамкорлик шартномаси //Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. - №1. –Б.23. (Li Ji Yun. Korea and Uzbekistan Economic Cooperation Agreement // Society and Management. – Tashkent: 2009. №1. –P.23.)

[11]. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (янги тахрир) http://parliament.gov.uz/uz/laws/discussed/29180/index.php?sphrase_id=5811084&print=Y (Law of the Republic of Uzbekistan “On Employment” (new edition) http://parliament.gov.uz/uz/laws/discussed/29180/index.php?sphrase_id=5811084&print=Y)

[12]. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. – Тошкент: Адолат, 2016.-Б.26. (Labor Code of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent: Adolat, 2016. 26-p.)

[13]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 19 май куни тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши [https:// www.gazeta.uz /uz/2020/04/03 /allowance/](https://www.gazeta.uz/uz/2020/04/03/allowance/) (Video conference on additional measures to support entrepreneurship chaired by the Prezident of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoyev on May 19, 2020 <https://www.gazeta.uz/uz/2020/04/03/allowance>)

[14]. Хасанов А. Тарих сабоқлари ва ёшлар тарбияси. –Тошкент: Меҳнат, 2000. –Б.7. (Khasanov A. History lessons and youth education. – Tashkent: Mehnat, 2000. –P.7.)

[15]. Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўтиш даври ва ишсизлик муаммоси (Фарғона водийси шаҳарлари мисолида) // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. Ўзбекистон гуманитар журнали. - №1-сон.(13), 2001. –Б.80. (Rakhmatullayev Sh. The current transition period and the problem of unemployment (on the example of the cities of the Fergana Valley) // Social opinion. Human rights. Humanitarian magazine of Uzbekistan. 1-son.(13), 2001. –P.80.)

[16]. Маллабоев И, Ҳайдаров С., Икромова М. Фарғона иқтисодий раёни саноат тугунларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммолари // Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. –Тошкент: Университет, 1992. –Б.98. (Mallaboev T., Khaydarov S., Ikromova M. Problems of using labor resources in the industrial hubs of Fergana economic region // Population and labor resources of Uzbekistan. – Tashkent: Universitet, 1992. –P.98.)

[17]. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти маълумотлари асосида 1991-2018. www.stat.uz (www.stat.uz – 1991-2018 on the basis of the website of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan)

[18]. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти маълумотлари асосида 1991-2018 www.stat.uz (www.stat.uz – 1991-2018 on the basis of the website of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan)

[19]. Сотволдиев Б., Сайдахмедов О. Фарғона водийси қишлоқ меҳнат ресурслари ва улардан унумли фойдаланиш йўллари // Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Университет, 1992. –Б.91. (Sotvoldiev B., Saydahmedov O. Fergana Valley rural labor resources and ways of their effective use // Population and labor resources of Uzbekistan. – Tashkent: University, 1992. –P.91.)

[20] Хаджамуратова М.Х. Фарғона водийсининг демографик тарихи.(1991-2006 йй): тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссер... – Тошкент: ЎЗМУ, 2011 –Б.121. (Хаджамуратова М.Х. Demographic history of Fergana valley. (1991-2006):dissertation for the degree of candidate of historical sciences ... - Tashkent: National University of Uzbekistan, 2001. –P.121.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000